

## А Ж Р И М

(ярашилганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2022 йил август ойининг 29 куни, жиноят ишлари бўйича Янгиқўрғон туман судининг очик сайёр суд мажлиси Янгиқўрғон туман “Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш маркази” биносида бўлиб, раислик қилувчи туман судининг раиси Ш.Қурбонов, судья ёрдамчиси Ш.Собировнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Янгиқўрғон туман прокурорининг ёрдамчиси М.Исмоилов, гумон қилинувчи Қ.Абдуллаев, жабрланувчи М.Худайбердиевнинг иштирокида,

**Абдуллаев Қосимжон Позилбекович (Abdullev Qosimjon Pozilbekovich)**, 1964 йил 11 августда Косонсой туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, мавсумий ишчи, Косонсой тумани, “Нурафшон” МФЙ, Бирлик кўчаси, 38-уйда яшайди,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-1612-2201/251-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### а н и қ л а д и:

Дастлабки тергов органи томонидан, Қ.Абдуллаев 2022 йилнинг 23 апрель куни соат 14:00 ларда, Россия Федерацияси Шербенка шаҳрида куёви Худайбердиев Мухаммадсодиқ Рустамович билан оилавий масалада ўзаро тортишиб қолиб, “сен нима сабабдан қизимни сўқдинг”, -деб, унинг танасининг турли жойларига қўли билан уриши натижасида баданига ўртача оғир шикаст етказган.

РСТЭИАМНВФ Янгиқўрғон туман филиалининг 2022 йил 19 майдаги 742/494-сонли экспертиза хулосасида, фуқаро М.Худойбердиевнинг баданида аниқланган жароҳатлар - бош мия ёпиқ шикасти, бош мия чайқалиши, бурун суяги ёпиқ синиши, ўнг гаймор бўшлиғи олдинги девори синиши, юқори ва пастки жағ, 1-2-тишлари синиши жароҳатлари аниқлангани, ушбу жароҳатлар оғирлик даражасига кўра, соғлигининг бузилишига сабабчи бўлган ўртача оғир тан жароҳати тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Суд тергови давомида гумон қилинувчи Қ.Абдуллаев ва жабрланувчи М.Худайбердиев ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашди.

Гумон қилинувчи Қ.Абдуллаев суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини тақдим қилиб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарларни тўлиқ



қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи М.Худайбердиев суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини тақдим қилиб, ўғли Қ.Абдуллаевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, у соғлигини тиклаш учун сарфлаган зарарларни қоплаш йўли билан тўлиқ бартараф этганлиги, ҳозирда аҳволи яхшилиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддасида назарда тутилган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Суд, жабрланувчи М.Худайбердиев ва гумон қилинувчи Қ.Абдуллаевнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, давлат айбловчиси М.Исмоиловнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, гумон қилинувчи Қ.Абдуллаевнинг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарларни тўлиқ бартараф этганлиги, ярашув гумон қилинувчи, жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган қилмиш ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ярашилганлиги муносабати билан жинойи жавобгарликдан озод қилинишини инобатга олиб, Қ.Абдуллаевга нисбатан юритилган жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатишни лозим топди.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилган Қ.Абдуллаевнинг суд мажлисида ҳимоячи хизматидан воз кечиш жараёни тасвирга олинган 1 дона дискларни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисми, 585- 586-моддаларига амал қилиб, суд

### **А Ж Р И М Қ И Л Д И:**

**Абдуллаев Қосимжон Позилбековичга** нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши жабрланувчи М.Худайбердиев ва гумон қилинувчи Қ.Абдуллаевнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилган Қ.Абдуллаевнинг суд мажлисида ҳимоячи хизматидан воз кечиш жараёни тасвирга олинган 1 дона дисклар жиноят иши билан бирга сақлансин.

Тарафлар ажрим устидан ажрим эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида, гумон қилинувчи ва жабрланувчи ажрим нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида Наманган вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят ёки хусусий протест билдирилиши мумкин.

**Раислик қилувчи**

*Нусха аслига тўғри*

**Ш.Қурбонов**

